IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 22. Issue 02. Sentabr ,2026

УДК 725.945:72.025.5

ХИВАДАГИ 1000 ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА “ЖУМА МАСЖИДИ”НИ ТЕХНИК ХОЛАТИНИ ЎРГАНИШ

Ш.Т.Мадримова
Тошкент Архитектура-Қурилиш Унивеситети
https://doi.org/10.5281/zenodo.22932073

Аннотация: Ушбу мақолада Хива шаҳридаги Жума Масжид меъморий ёдгорлиги бўйича ўтказилган мониторинг кузатув ишлари ва обидани техник ҳолати ёритилган.
Калит сўзлар: минора, меъморий ёдгорлик, техник ҳолат, намлик, шўрланиш, масжид, сақлаш, таъмирлаш, лойиҳа.

Аннотация: В данной статье освещаются работы по мониторингу и техническому состоянию памятника архитектуры Джума-мечеть в Хиве.
Ключевые слова: минарет, памятник архитектуры, техническое состояние, влажность, соленость, мечеть, хранение, ремонт, проект.

Annotation: This article covers the monitoring observation work and the technical condition of the monument on the architectural monument of Juma Masjid in Khiva.
Keywords: Tower, architectural monument, technical condition, humidity, salinity, mosque, storage, repair, project.



1 – расм Жума масжитни олди кўриниши ва устки қисмини кўриниши

Хоразм вилояти Хива шаҳар Ичан Қалъа ҳудудида жойлашган “Жума масжиди” ёдгорлиги 1838-1840 йиллар қурилган, 1-расм.

Жума масжид планда кўриниш размери - 56,28х43,55х53,34х43,20 м.

Жума масжиднинг қурилиш ости майдони - 54,8*43,4=2378.32 кв.м. 2-расм.

Масжид тўла пишган ғиштдан тикланган ва квадрат шаклидаги мусулмон ғиштининг ўлчамлари - 27,5 х 27,5 х 6,5 см ва 26,0 х 26,0 х 5,0 см.

Ҳудуд тўғрисда маълумот ва мавжуд биноларнинг тавсифи:

Хива шаҳри бино ва иншоатлари жойлашган ҳудуднинг иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлари ҚМК 2.01.01-94 меъёри талаблари асосида [1]:

- Қишда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати -19°С.

- Шамол тезлиги босими – Wo=0,38 КПа;
- Қор қопламаси оғирлиги – So=50,0 КПа;
- Климатик туман – Iв;
- Ер ости сувлари сатҳининг мавсумий ўзгариши -0,9 дан -1,5 метр;

Бинолар меъёрий ҳужжат ҚМК 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш” талабларига жавоб беришлилиги ўрганилмоқда [2].

Ўзбекистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳудудида зилзила кучи ва такрорланиши қуйидагича: ҳар 1000 йилда бир марта 7 бал, Хива шаҳри қурилиш майдони ҳисобий сейсмик бардошлиги 8 бал.



2 – расм Жума масжидни плани ва ички кўриниши.

Жума Масжид тарихий меъморий ёдгорлиги X-XVIII асрлар давомида бунёд этилган. Араб географи Мақдисийнинг шаҳидлик беришича, бу масжид X асрдаёқ барпо этилган. Ҳозир қад кўтариб турган бино хон амалдорларидан Абдураҳмон Меҳтар томонидан XVIII аср охирларида қурилган. Бу ҳақда тарихчи - муаррих Мунис маълумот беради.

Масжид кўп устунлик (гипостиль) иншоотдир. Унинг томи энлик текис тўсинлар билан ёпилган, саҳни ғоят кенг, шаҳарнинг жума намози ўқигани келган барча намозхонларини бемалол ўз ичига сиғдира олган.

Икки жойдан ёруғлик тушиб турадиган томни бир-биридан 3,10-3,15 м гача узоқликда саф тортган 213 та устун кўтариб туради, 3-расм. Шулардан 201 таси қадимдан X асрдан тортиб XVI асргача бўлган даврда ясалган устунлардир. Улар орасида Ҳиндистондан келтирилган ғўзапоядан тайёрланган устун ҳам мавжуд. Меҳробдан ўнгроқда мармар лавҳага масжиднинг даромади ва бу даромадлар ҳақидаги ёрлиқ вақфнома битилган. Жанубдаги кириш эшигига сана (1203 ҳижрий, 1788(89) милодий) ёзилган.

1959-60 йилларда Жума Масжидида олиб борилган археологик қазилмалар вақтида 5 метр чуқурликдан сопол идишларнинг бўлаклари топилган. 1979 йилда масжидда амалга оширилган таъмирлаш ишларида Кузибой ва Болтобой Сапаевлар, Отабек Исмаилов каби усталар қатнашган. 1987 йилдан масжидда “Хоразм ёғоч ўймакорлик музейи” ишлаб турибди. 1995-1996 йилларда Жума Масжидни қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди. 1997 йил 20-октябрда масжид биносида Хиванинг 2500-йиллигига бағишланган йирик халқаро анжуман (симпозиум) ўтказилди.

Масжид турли даврларда бирламчи мақсадлардан тортиб то омборхона мақсадларигача фойдаланиб, баъзи вақтларда ташландиқ ҳолатларгача қолдириб келинди. Бу эса бинода ўзининг салбий таъсирларини кўрсатмасдан қолмади.

Томнинг очиқ қисмидаги фонарь замонавий дераза конструкциялари билан ёпилиб масжид ички микроклимат яратилди. Пол қисми янгидан квадрат оҳак тошдан тушалди.

Бинода кейинги 25 йил давомида ҳам жорий ва қисқа таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ҳозирги кунга келиб бинони техник кўрикдан ўтказилганда бир қатор носозликлар кўзга ташланди. Жумладан:

1. Томдан чакка ўтишлар баъзи жойларда давом этмоқда. Бунинг натижасида том конструкция носоз ҳолатга келиши давом этмоқда.

2. Бино ички интерьерида ҳам санитария ҳолатлари бузилишига ва термит ҳашаротларининг ривожланишига олиб келмоқда.

3. Томда чакка ўтишини тўхтатиш мақсадида томнинг баъзи участкаларида олиб борилган сомон сувоқ қоплама қатламларининг ошиши ва 1982 йилди бажарилган томни таъмирлаш ишларида фойдаланилган рубероид тўшамаларининг яроқсиз ҳолга келганлиги боис том тўсинлар ва баъзи устунлар яроқсиз ҳолга келган.

4. Масжид ичида табиий ҳаво алмашинуви етарли даражада эмас. Мачитда ортиқча намлик ҳатто оддий танамизга сезилиб турибди. Бу турли ҳашаротларни, айниқса термитнинг ривожланишига олиб келмоқда.

5. Масжидда табиий ёруғлик кам. Айниқса бино бурчакларида.

6. Бино деворларининг ички ва ташқи томонида пойдевор ва цоколь қисмларида нураш аломатлари кўриниб турибди.

Мазкур камчилик ва носозликларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги чора ва тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

1) Масжид том қисмида чакка ўтишини тўхтатиш ва том қопламасининг герметиклигини таъминлаш мақсадида томни миллий услубда қопламалар билан ёки замонавий проф настил тунакасига сомон лой рангини бериб қоплаш зарур. Бунда қоплама баландлигининг энг минимал баландлигини таъминлаш зарур, яъни қоплама бино парапет қисмидан юқори бўлмаслиги шарт.

2) Масжидда етарли даражада ҳаво алмаштириш чоралари қурилиш зарур: масжиднинг қурилиш қоидаларида унинг шарқий, ғарбий ва шимолий деворларида азалдан бўлган дарча-форточкаларни қайта очиш зарур. Чунки ушбу дарча-форточкалар бинони турли мақсадларда фойдаланиш даврларида ёпиб ташланган.

3) Масжид том тўсинларини, устунларининг юзасида пайдо бўлган ёриқларини таъмирлаш ва термитга қарши препаратлар билан йилига 1, 2 марта тозалаш керак, мутахассис тавсиясига кўра.

4) Масжид пол қисмин оддий квадрат 250х250х5см ғиштлар билан қоплаш керак.

5) Масжид пойдевор ва цоколь қисмларида зах чиқиши оқибатида нурашини бартараф этиш мақсадида унинг ички ва ташқи томонида ҳаво шахталарини барпо этиш зарур. Бунда деворнинг ушбу қисмларига ер ости сувларининг салбий таъсир етарли даражада камайтирилади ва уларга тоза ҳаво кириши таъминланади. Шу билан бирга ушбу ҳаво шахталари орқали бино ичига ҳам тоза ҳаво кириши таъминланади. Тоза ҳавонинг кириши табиий равишда эришилмаса, мажбурий ҳаво алмашиниш имкониятига ҳам эга буламиз.

Ушбу кўриладиган барча чора ва тадбирлар мазкур тарихий обиданинг сақланишига ва ундан самарали фойдаланишига ўзининг ижобий самарасини беради деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. КМК 2.01.03-96. Строительство в сейсмических районах. /Госкомархитектстой РУз. - Ташкент, 1997, 127 стр.
2. КМК 2.01.07-96. Нагрузки и воздействия. /Госкомархитектстой РУз. - Ташкент, 1996, 126 стр.